# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 17 март, № 55 (8398) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ АМАЛИЙ ТАСДИҒИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида иштирок этиш учун 15-16 март кунлари амалий ташриф билан Анқара шаҳрида бўлди.**




16 март куни Анқара шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммити ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган тадбирда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, ТДТ Бош котиби Кубаничбек Омуралиев ҳамда Ташкилот институтлари ва тузилмаларининг бошқа вакиллари қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, фавқулодда вазиятларни бошқариш ва гуманитар ёрдам кўрсатиш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари ҳамда табиий офатларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

Саммит аввалида иштирокчилар 6 февраль куни Туркиянинг Жануби-Ғарбий ҳудудларида рўй берган вайронкор зилзилалар қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида таъкидлаганидек, бугунги учрашув ҳамда фожиа кунларида Ташкилот мамлакатлари Туркияга кўрсатган биродарлик ёрдами туркий халқлар энг мушкул дамларда бир-бирига мустаҳкам таянч ва суянч бўлаётгани, уларнинг дўстлиги ва бирдамлиги қудратли куч эканининг яққол амалий тасдиғидир.

— Дўстларимиз диёрида юз берган ва мисли кўрилмаган ҳалокатли зилзила барчамизнинг қалбимизга чексиз қайғу ва изтироб солди. Бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Зеро, бу мудҳиш офат натижасида бизнинг жондан азиз ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз ва фарзандларимиз қурбон бўлди ва жабрланди, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биз мудҳиш фожиада қурбон бўлган ўн минглаб бегуноҳ кишилар хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўзбекистон етакчиси ҳаётдан бевақт кўз юмган барча инсонларнинг порлоқ хотирасига алоҳида ҳурмат рамзи сифатида 6 февраль санасини Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Қурбонларни хотирлаш ва бирдамлик куни, деб эълон қилишни таклиф этди.

Президент Режеп Таййип Эрдоған бошчилигида табиий офат оқибатларини бартараф этиш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар ва қабул қилинган дастурларни алоҳида эътироф этиб, давлатимиз раҳбари зудлик билан амалга оширилган аниқ ва самарали ҳаракатлар туфайли кўплаб одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақлаб қолингани, катта миқдордаги маблағлар жамланиб, кенг кўламли қайта тиклаш ишлари бошланганини алоҳида қайд этди.

— Ҳозирги синовли даврда қардош турк халқи Туркия етакчиси атрофида жипслашиб, ўзининг беқиёс жасорати ва мардлиги, метин иродаси ва юксак сафарбарлик руҳини намоён этди, — деди Ўзбекистон Президенти.

Шу муносабат билан Ўзбекистон вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, ижтимоий ва саноат объектларини тиклаш ва янгиларини барпо этиш ишларига ёрдам бериш ва биргаликдаги саъй-ҳаракатларни йўналтиришга тайёрлиги таъкидланди.

— Бундан ташқари, талафот кўрган ҳудудлардан ёши улуғ инсонлар ва нуронийларни юртимизда соғлиғини тиклаш ва дам олишлари, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилишлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб берамиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, Туркиянинг жабр кўрган Ҳатай музофоти ёшлари ушбу ёз мавсумида Ўзбекистонга таклиф қилинди. Улар учун мазмунли ҳордиқ, қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига сафарлар, юртимиздаги тенгдошлари билан қўшма тадбирлар ташкил этилади.

➡ 2





Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийлари!

Ҳурматли давлат ва ҳукумат раҳбарлари!

Сиз, азизларни Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдан ташқари саммитида кўриб турганимдан мамнунман. Матонатли турк халқига ва қадрдон биродаримиз Туркия Республикаси Президенти, муҳтарам Режеп Таййип Эрдоған Жаноби Олийларига барча ҳамкасбларим номидан чуқур ҳамдардлик билдираман.

Озарбайжон Республикаси Президенти ҳурматли Илҳом Ҳайдарович Алиевга бугунги навбатдан ташқари йиғилишимизни ўтказиш ҳақидаги таклифи учун алоҳида миннатдорчилик изҳор этаман.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Бугунги саммитимиз, ҳозиргина намойиш этилган видеолавҳа энг мушкул дамларда биз бир-биримизга мустаҳкам таянч ва суянч бўлиб келаётганимиз, дўстлик ва бирдамлигимиз нақадар қудратли кучга эга эканининг яққол амалий тасдиғидир.

Дўстларимиз диёрида юз берган, мисли кўрилмаган ҳалокатли зилзила барчамизнинг қалбимизга чексиз қайғу ва изтироб солди. Зеро, бу мудҳиш офат натижасида бизнинг жондан азиз ота-оналаримиз, ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз ва фарзандларимиз қурбон бўлди ва жабрланди. Бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, биродар халқларимиз минг йиллар давомида турли мураккаб вазият ва муаммоларни ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик билан мардона енгиб ўтганлар.

Ўзбекистон халқи дўстларимиз бошига тушган оғир кунларда "Туркия, биз сен билан биргамиз!" дея бир тану бир жон бўлиб, турк биродарларимизга ёрдамга шошилди.

Биз мудҳиш фожиада қурбон бўлган ўн минглаб бегуноҳ кишилар хотирасини ҳеч қачон унутмаймиз.

Ижозатингиз билан, ҳаётдан бевақт кўз юмган барча инсонларнинг порлоқ хотирасига алоҳида ҳурмат бажо келтириш мақсадида ҳар йили 6 февраль санасини Туркий давлатлар ташкилоти доирасида Қурбонларни хотирлаш ва бирдамлик куни деб эълон қилишни таклиф этаман.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Туркияда бугун муҳтарам Президент Режеп Таййип Эрдоған бошчилигида олиб борилаётган тезкор чора-тадбирларни, жумладан, аҳоли учун юз минглаб янги уй-жойлар қуриш ва инфратузилмани тиклаш бўйича ғоят муҳим режа ва дастурларни алоҳида эътироф этишни истардим.

Зудлик билан амалга оширилган аниқ ва самарали тадбирлар туфайли кўплаб одамларнинг ҳаёти ва соғлиғи сақлаб қолинди, катта миқдордаги маблағлар жамланиб, кенг кўламли қайта тиклаш ишлари бошланди. Бир сўз билан айтганда, ҳозирги синовли даврда қардош турк халқи ўзининг беқиёс жасорати ва мардлиги, метин иродаси ва юксак сафарбарлик руҳи билан Туркия етакчиси атрофида жипслашмоқда.

Барчамиз сизларга мададкор бўлиб, зилзила оқибатида вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларни, ижтимоий ва саноат объектларини тиклаш ва янгиларини барпо этиш ишларига бор кучимизни йўналтиришга тайёрмиз. Жумладан, биз зилзила марказларидан бири бўлган ва қутқарувчиларимиз иш олиб борган Ҳатай вилоятининг Овакент ҳудудидаги бунёдкорлик ишларига муносиб ҳисса қўшиш ниятидамиз.

Биз барпо этмоқчи бўлган кўркам уй-жойлар, замонавий мактаб ва инфратузилма объектлари келгусида том маънода яқин дўстлик ва бирдамлигимизнинг ёрқин тимсолига айланишига аминман.

Бундан ташқари, талафот кўрган ҳудудлардан ёши улуғ инсонлар ва нуронийларнинг юртимизда соғлиғини тиклаши ва дам олишлари, шунингдек, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз қадамжоларини зиёрат қилишлари учун барча қулай шарт-шароитларни яратиб берамиз. Бу гуруҳларга Ташкилотимиз Оқсоқоллар кенгаши бошчилик қилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

➡ 2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

1 Шу билан бирга, ушбу ёз мавсумида биз Ҳатай ёшларининг ҳам Ўзбекистонга ташрифини ташкил этмоқчимиз. Уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари ҳамда қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига сафарларини, юртимиздаги ўз тенгдошлари билан қўшма тадбирларни ўтказиш ниятидамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Ташкилотимиз давлатлари жойлашган ҳудудлар ўз географик ва геологик хусусиятларига кўра, табиий офат ва хавф-хатарлар фаол содир бўладиган макон ҳисобланади.

Минг афсуски, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари бу каби вайронкор ҳодисалар кўлами ва зарарини кескин оширмоқда. Бу йўналишдаги амалий ҳамкорлигимизни кенгайтириш мақсадида қуйидаги аниқ таклифларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ташкилотимизнинг тизимли ҳамкорлик платформасини ташкил этиш ташаббусини илгари сураман. Бу платформа доирасида аниқ механизмларни жорий этиш ва муҳим чоралар кўришни кечиктириб бўлмайдиган вазифа, деб ҳисоблайман.

Биринчидан, Ташкилотимиз доирасида табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган кўп томонлама битимни тезроқ ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада Туркия томони тақдим этган фуқаролар муҳофазаси бўйича тизим яратиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Иккинчидан, фавқулодда вазиятлар бўйича вазирликларимиз ўртасидаги шериклик алоқаларини кескин фаоллаштиришимиз лозим. Уларнинг навбатдаги йиғилишида энг устувор йўналишлар бўйича қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш айни муддао бўлар эди.

Асосий диққатни техник хавфсизлик талабларига қатъий эътибор қилиш ва жаҳоннинг энг илғор тажрибасини соҳага татбиқ этиш, аҳолининг доимий хабардорлигини ошириб бориш, қутқарув хизматлари мутахассисларининг малака ва тажрибасини ошириш, қўшма ўқув машқларини ўтказишга қаратишимиз керак.

Учинчидан, бундай кутилмаган ва оғир синовли пайтларда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бартараф этишда яқиндан кўмак кўрсатиш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Сўз озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш молларини тўсиқсиз етказиб бериш, саноатни тиклашга қаратилган кооперация лойиҳаларини ишга тушириш ҳақида бормоқда. Албатта, бугун расман таъсис этилаётган Туркий инвестиция фондининг илк молиявий ресурсларини ҳам ушбу лойиҳаларга жалб этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Яна бир муҳим масала. Илмий ва технологик соҳаларда эришилган ютуқларга қарамасдан, зилзилалар, сел ва сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, бўронларни олдиндан аниқлаш ва эрта огоҳлантириш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу жараёнларни чуқур ўрганиш, соҳага илмий ва технологик янгиликларни кенг жорий этиш катта ижобий самара бериши аниқ. Шулардан келиб чиқиб, Ташкилотимиз доирасида Табиий офатлар мониторинги ва таҳлили марказини тузиш ҳамда уни Тошкентда жойлаштириш бўйича ташаббусимизни маъқуллайсиз, деб ишонаман.

Шунингдек, Туркий давлатлар ташкилотининг ихтисослашган халқаро тузилмалар билан амалий ҳамкорлигини кучайтириш лозим. Хусусан, Табиий офатлар хавфини камайтириш глобал жамғармаси, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатларни камайтириш бўйича халқаро стратегияси котибияти, Фавқулодда вазиятларда ҳаракатланиш марказий жамғармаси каби халқаро тузилмалар билан яқин алоқаларни ўрнатиш бўйича Ташкилотимиз котибияти алоҳида шуғулланса, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Сўзимнинг якунида яна бир долзарб масалага эътиборингизни қаратмоқчиман. Ташкилотимизнинг қатор давлатлари сиёсий воқеалар, хусусан, муҳим сайловлар арафасида турибди. Ушбу тадбирлар юқори савияда ва муваффақиятли ўтишини чин дилдан тилаб қоламан.

Жорий йилда Туркия Республикаси ташкил топганининг қутлуғ 100 йиллиги нишонланади.

Ҳеч шубҳасиз, сўнгги йигирма йилда қардошим, муҳтарам Режеп Таййип Эрдоған раҳбарлигида Туркия Жумҳуриятининг халқаро майдондаги обрў ва нуфузи кескин юксалди. Давлатнинг глобал иқтисодиёт ва сиёсатдаги ўрни ва таъсири изчил ортиб бормоқда.

Замонавий ва қудратли Туркиянинг бугунги барча ютуқларида ва эришаётган улкан марраларида ҳурматли Президентнинг мислсиз хизматлари борлигини алоҳида эътироф этамиз. Шу боис барча қардош халқларимиз номидан турк элига мурожаат этиб, сайловларда муҳтарам Режеп Таййип Эрдоған номзодини тўлиқ қўллаб-қувватлашга чақирамиз.

Бизнинг ана шу умумий истагимиз бугун қабул қилинаётган Анқара декларациясида ўзининг ифодасини топиши айни муддаодир.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни кириб келаётган баҳор ва янгиланиш байрами — Наврўзи олам ҳамда муборак Рамазон ойи билан самимий муборакбод этаман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# ДЎСТЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ ЯҚҚОЛ АМАЛИЙ ТАСДИҒИ

1 Давлатимиз раҳбари Туркий давлатлар ташкилоти давлатлари жойлашган ҳудудлар ўз географик ва геологик хусусиятларига кўра табиий офат ва хавф-хатарлар фаол содир бўладиган макон ҳисобланишига эътибор қаратди.

— Минг афсуски, сўнгги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари бу каби вайронкор ҳодисалар кўлами ва зарарини кескин оширмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ташкилотнинг Тизимли ҳамкорлик платформасини ташкил этиш ва унинг асосида қатор аниқ механизмларни яратиш ташаббуси илгари сурилди.

Жумладан, Ташкилот доирасида табиий офатлар ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга қаратилган кўп томонлама битимни тезроқ ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга. Бу борада Ўзбекистон Туркия томони тақдим этган фуқаролар муҳофазаси бўйича тизим яратиш ҳақидаги ҳужжат лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

Фавқулодда вазиятлар бўйича вазирликлар ўртасидаги шериклик алоқаларини кескин фаоллаштириш лозимлиги қайд этилди. Уларнинг навбатдаги йиғилишида энг устувор йўналишлар бўйича қўшма ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Табиий офатларнинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф қилишда яқиндан кўмак кўрсатиш механизмларини жорий этиш мақсадга мувофиқлиги алоҳида таъкидланди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш молларини тўсиқсиз етказиб бериш, саноатни тиклашга қаратилган кооперация лойиҳаларини ишга тушириш таклифи илгари сурилди.

— Илмий ва технологик соҳаларда эришилган ютуқларга қарамасдан, зилзилалар, сел ва сув тошқинлари, ўрмон ёнғинлари, бўронларни олдиндан аниқлаш ва эрта огоҳлантириш ҳамон долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу жараёнларни чуқур ўрганиш, соҳага фан ва технологияларни кенг жорий этиш катта ижобий самара бериши аниқ, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шундан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбари Ташкилот доирасида Табиий офатлар мониторинги ва таҳлили марказини тузиш ҳамда уни Тошкентда жойлаштириш ташаббусини илгари сурди.

Бундан ташқари, Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда вазиятларга ихтисослаштирилган халқаро тузилмалар билан амалий ҳамкорлигини кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти Ташкилотдаги қатор мамлакатларда бўлажак муҳим сиёсий воқеалар, шу жумладан, сайловларнинг муваффақиятли ўтказилишини тилади ва яқинлашиб келаётган баҳор, янгиланиш байрами — Наврўз ҳамда қутлуғ Рамазон ойи билан муборакбод этди.

Саммит якунида Анқара декларацияси қабул қилинди, Туркий инвестиция фондини ташкил этиш тўғрисида битим имзоланди ҳамда фуқаро муҳофазаси механизмини шакллантириш юзасидан битимни тайёрлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти навбатдан ташқари саммитининг асосий тадбирлари доирасида Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан учрашув ўтказди.

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари Бош вазир ва дўст венгер халқини миллий байрам — Венгрия инқилоби куни билан самимий қутлади.

Икки томонлама стратегик шериклик муносабатлари ва кўп қиррали ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мамлакатларимизнинг етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўйиш ҳамда Ўзбекистон ва Венгрия корхоналарининг самарали кооперацияси учун ишлаб чиқариш майдонини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кун тартибидаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари саммит доирасида Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов билан ҳам учрашув ўтказди.

Ўтган йилги тарихий аҳамиятга эга олий даражадаги ташрифлар давомида эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражадаги фаол мулоқот ва алмашинувлар, яқинда ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилишининг самарали якунлари, товар айирбошлаш кўрсаткичлари ошаётгани ва устувор тармоқларда шериклик кенгайиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

"Шовот — Тошовуз" чегараолди савдо зонасини ташкил этиш ишларини бошлаш ҳамда энергетика, машинасозлик, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муҳим кооперация лойиҳаларини илгари суришга эътибор қаратилди.

Минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама қилиниб, бўлажак тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

# Ўзбекистон ТДТга раислиги даврида туркий дунёни бирлаштириш учун кенг кўламли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда

*Шу йилнинг 15-16 март кунлари Анқара шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг навбатдан ташқари саммити ҳамда ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва бирдамлик халқаро ҳамжамият томонидан юксак баҳоланмоқда.*

## Муносабат

Саммитда Ўзбекистон Президенти сўзга чиқиб, ТДТ маконида табиий офатлар хавфини камайтириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришга қаратилган қатор муҳим таклифларни билдирди.

Халқаро экспертлар фикрларига кўра, Ўзбекистон етакчиси томонидан илгари сурилган ташаббуслар ташкилот доирасида кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга туртки беради.

**Йоанна МАРШАЛЕК-КАВА, Николай Коперник номидаги университетнинг Сиёсий ташкилотлар кафедраси мудири:**



— Туркий давлатлар ташкилоти навбатдан ташқари саммитининг асосий мақсади Туркияда зилзиланинг аянчли оқибатларини ифода этган бўлса-да, мазкур тузилма доирасида кўп томонлама мулоқотнинг ривожланиши ушбу платформанинг самарадорлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги кўп қиррали ҳамкорликни, жумладан, иқтисодиёт, савдо, сармоя, транспорт, инновациялар, экология, туризм ва маданий-гуманитар алмашув соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантиришга, шунингдек, ташкилот фаолиятини такомиллаштиришга туртки берди. Буни 2022 йилда Самарқандда ўтказилган саммит якунлари ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотига аъзо ва кузатувчилар билан икки томонлама шерикликни фаол ривожлантирмоқда. Ўзбекистон Президентининг ўтган йил давомида Туркия, Венгрия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон раҳбарлари билан бир неча бор ўтказган учрашувлари саммитни янги мазмун билан бойитди.

Ташкилот доирасидаги келишувларни амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этишга, масалан, савдо, транспорт-логистика, саноат кооперацияси, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, инновациялар ва юқори технологиялар трансфери соҳаларида қўшма ташаббус ва лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, "Турк дунёси нигоҳи — 2040" концепцияси муваффақиятли амалга оширилмоқда ва Ўзбекистоннинг ТДТ маконида 2023 йилни "Туркий цивилизациянинг юксалиш йили", деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббуси якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Президентининг ташкилот фаолиятини устувор йўналишлар бўйича, яъни сиёсат ва хавфсизлик, савдо ва сармоя, транспорт, қишлоқ хўжалиги, энергетика, ахборот технологиялари, сайёҳлик, инновациялар ва таълим, тиббиёт, ёшлар сиёсати каби соҳалардаги институционал ислоҳотларга доир таклифлари ҳам ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.

Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолаётгани бор гап. Албатта, сўнгги пайтларда турли мамлакатларда кучайиб бораётган можаролар туркий дунёнинг умумий хавфсизлигига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Умуман олганда, ташкилот фаолияти бўлажак халқаро ва минтақавий тадбирлар учун ҳам икки томонлама, ҳам иштирокчи давлатларнинг кўп томонлама муносабатлари нуқтаи назаридан яхши асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Эфган НИФТИ, Каспий сиёсати марказининг директори:**



— ТДТ муҳим минтақавий ташкилот бўлиб, у тобора Каспий денгизи, Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари учун халқаро платформага айланиб бормоқда. Ташкилот аъзолари бир қатор ташаббусларни фаол илгари сурмоқда ва умумий манфаатлар юзасидан фикр алмашмоқда.

Бу менинг фикримча, минтақада ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш, шунингдек, транспорт-энергетика лойиҳалари ва божхона фаолиятини тартибга солиш доирасида ҳамкорликни ривожлантириш учун жуда зарур.

Бу борада Ўзбекистоннинг раислигини ғоят муҳим, деб ҳисоблайман. Чунки АҚШда биз ҳам расмий Тошкент томонидан илгари сурилган ташаббуслар бўйича ТДТ билан шериклик қилишни интиқлик билан кутамиз.

Биз минтақа олдида турган муҳим масалаларни муҳокамадан ўтказишни истаймиз. Шунингдек, мен Туркий давлатлар ташкилоти нафақат минтақа мамлакатлари, балки ҳамкорликдан манфаатдор бўлган ташқи иштирокчилар учун ҳам муҳим шерик бўлиши мумкин деб ҳисоблайман.

**Марта КОЛАКОГЛУ, Британиянинг "Wiley University Services" таълим компанияси менежери:**



— Бу йил Ўзбекистон ТДТга раислик қилмоқда. Самарқанд саммитида эришилган келишувларга мувофиқ савдо, "яшил" иқтисодиёт, инвестиция, инновациялар, транспорт, логистика, фан-таълим, маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган 30 дан ортиқ кўп томонлама тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Анқарада бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдан ташқари саммитида иштирок этиши Ўзбекистон туркий давлатлар ўртасида ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик тамойилларини илгари суришга қатъий содиқлигини кўрсатади.

Ўзбекистоннинг ТДТга раислиги аллақачон сезиларли муваффақиятларга эришди ва бу тадбир ташкилотга аъзо давлатларнинг ҳамкорлиги ҳамда бирлигини янада мустаҳкамлашига шубҳа йўқ.

Туркияда содир бўлган сўнгги фожиали воқеалар, айниқса, қийин дамларда бирдамликни шакллантириш ва бир-биримизни қўллаб-қувватлаш учун ҳамкорликни давом эттириш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлади. ТДТга аъзо давлатларнинг Туркияда юз берган зилзилага тезкор муносабати, жумладан, Ўзбекистон томонидан қардош турк халқига кўрсатилаётган инсонпарварлик ёрдами туркий дунё бирлигининг ёрқин намунаси сифатида хизмат қилади.

**Хесус ХИЛ, Мадрид университети профессори, Испания шарқшунослар уюшмасининг бош котиби:**



— Бу ниҳоятда эътиборга молик. Бир томондан, Ўзбекистон Президенти Туркияга мамлакат шарқида рўй берган ва катта ҳалокатга сабаб бўлган зилзилалар ортидан бир неча ҳафта ўтиб ташриф буюрмоқда. Маълумки, Ўзбекистон ҳам ўтмишда, 1966 йил апрель ойида содир бўлган энг кучли зилзиладан жабр кўрган мамлакатдир.

Ўзбекистон биринчилардан бўлиб Туркияга қидирув-қутқарув гуруҳлари, сейсмологлар ва тиббиёт ходимларини, шунингдек, гуманитар юкларни тезкорлик билан жўнатди.

Бошқа томондан, Ўзбекистон раҳбарининг ҳар бир халқаро ташрифи, айниқса, икки томонлама кун тартиби дунёдаги ҳозирги ўта мураккаб геосиёсий вазиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий-гуманитар лойиҳаларни мустаҳкамлаш, янги имкониятлар очиш нуқтаи назаридан, шубҳасиз, фойдали бўлади.

Шу боис Туркий давлатлар раҳбарлари ва Туркия раҳбарияти ўртасидаги мулоқот ўз вақтида бўлиб ўтди, деб ўйлайман.

Туркшунос сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ТДТга раислиги даврида туркий дунёни бирлаштириш йўлида салмоқли саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Биз туркий тилда гаплашадиган давлатларни чинакамига бирлаштирган турли воқеаларга гувоҳ бўлдик. Улардан бири ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқандда ўтказилган саммит бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ТДТга аъзо давлатлар билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича илгари сурилган 40 дан ортиқ ташаббус ва турли таклифларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Улар ҳозирги пайтда самарали амалга оширилмоқда.

Иқтисодий йўналиш ҳақида тўхталганда Ўзбекистон раҳбарининг ТДТда иштирок этаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий шерикликка катта аҳамият беришини алоҳида таъкидлашни истар эдим. У Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий ҳамкорлик стратегиясини яратиш, савдо тўсиқларини бартараф этиш, электрон тижоратни кенгайтириш ва савдо ҳажмини оширишнинг тарафдоридир.

Ўзбекистон Президентининг ташаббусларидан бири — бу борадаги салоҳиятни ўрганиш ва конструктив таклифлар ишлаб чиқиш учун туркий давлатлар ўртасида Савдо ҳамкорлиги илмий-тадқиқот маркази ташкил қилинишини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўйлайманки, бу ташаббус ҳозирги даврда жуда долзарб ва Ўзбекистоннинг иқтисодий интеграцияга бўлган муносабатини намойиш этиши билан ҳозир жуда муҳимдир.

Ўзбекистон учун муҳим иқтисодий жиҳатлардан бири — рақамли трансформациядир. Ҳозирги вақтда рақамлаштириш деярли ҳар бир давлатнинг асосий ривожланиш устуворлигига айланди. Шу боис бу масала Ўзбекистон учун ҳам, хусусан, ТДТ учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

ТДТ тузилмасида "Турк дунёси нигоҳи — 2040" концепцияси доирасидаги фаолиятга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дастурга мувофиқ рақамли тизимлар яратиш, телекоммуникация инфратузилмасини яхшилаш режалаштирилган. Сунъий интеллектнинг аҳамияти ва кенг жорий этилишини инобатга олган ҳолда ТДТ мамлакатлари ўртасида АКТ соҳасида илмий-техник тадқиқотларни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик бундан кейин ҳам кенгайиши, шубҳасиз.

Шарқшунос тарихчи сифатида энг муҳим далилни — туркий тилли давлатлар ўртасида муштарак илдизлар мавжудлигини қайд этмоқчиман. Бу Ўзбекистон катта аҳамият берадиган яна бир муҳим жиҳатдир. Умуман олганда, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш ТДТга аъзо ҳар бир давлат учун алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Хулоса ўрнида шуни ҳам қайд этишни истардимки, Ўзбекистон томонидан ТДТ доирасида илгари сурилган ташаббуслар мамлакатнинг мавқеини тўла мустаҳкамлайди ва республикани ташкилотнинг амалдаги раиси сифатидаги аҳамиятини юксалтиради.

Туркий давлатлар ташкилоти туркий дунё халқларини бирлаштирган йирик геосиёсий, ўзига хос қудратли, салоҳияти рўёбга чиқмаган минтақавий тузилмадир.

**«Дунё» АА.**



# ХАЛҚИМИЗ ОРЗУ-ИСТАКЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ИСЛОҲОТЛАР

***Тоғлар узоқдан бутун бўй-басти билан яхшироқ кўринади деб бежиз айтилмаган. Унинг салобатини, улуғворлигини янада теран англайсиз. Чўнг воқеалар ҳам шундай.***

***Чинданам, бўлиб ўтган оламшумул воқеаларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятига фақат муайян вақтдан кейингина холис баҳо бериш мумкин. Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнини ана шу нуқтаи назардан кўриб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон сўнгги йилларда турли соҳаларда анча илгарилаб кетганига амин бўламиз. Бунда давлат ва халқ ўртасидаги сифат жиҳатдан янгича муносабатлар муҳим аҳамият касб этди.***

## Мушоҳада

### Истиқбол сари шахдам ҳаракат

Бугунги кунда жонажон Ватанимиз ўз тарихидаги муҳим босқичдан ўтмоқда. Ушбу даврда оддий инсонлар ҳаётини яхшилаш ва иқтисодий ривожланишга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириляпти. Бу ўзгаришлар эса ўзбекистонликларнинг азалий орзу-истакларига ҳамоҳангдир.

Шавкат Мирзиёев томонидан Президентлик фаолиятининг биринчи кунлариданоқ йўлга қўйилган халқ билан мулоқотнинг янгича механизми жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни бутунлай ўзгартириб, энг долзарб муаммоларни ҳал этишда катта роль ўйнади. Айнан шу тартиб мамлакатимизда очиқлик ва демократиянинг ноёб институти ривожланиши учун асос бўлди, давлатни аҳолига яқинлаштириб, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга йўл очиб берди.

Амалга татбиқ этилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил вазиятни буткул ўзгартирди. Одамлар энди уларнинг фикрлари ҳисобга олинишини, мурожаатлари кўриб чиқилишини ва талаби қаноатлантирилишини ҳис эта бошлади. Ва шунга жавобан, фуқаролар Ватан тақдирига бефарқ бўлмай, ислоҳотлар жараёнида фаол қатнашиб, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига риоя этишни бурч, деб билдилар. Шундай ислоҳотларга дахлдорлик ҳисси туфайли давлат аҳолининг қўллаб-қувватлашидан қўшимча куч олиб, бошланган ишларни охирига етказишга интилмоқда. Барча вилоятларда яшовчи фуқароларнинг эҳтиёжлари, дарду ташвиши энди давлатни уларнинг ечимини излаш ва ҳал қилишга ундади. Халқ ва давлат мулоқоти, муносабатлари тобора шаффоф бўла борди, бу эса расмиятчиликлар, қоғозбозликлар камайишига хизмат қилди. Ҳар бир ватандошимизнинг онгида менинг ҳам фикрим барчаники сингари муҳим, деган тушунча мустаҳкамланди.

Халқ билан очиқ ва доимий мулоқот ўзаро муносабатни мустаҳкамлаш баробарида, янгиланиш жараёнларининг манзиллилиги ва самарадорлигини таъминлади. Шундай қилиб, тараққиёт юқоридан туширилган кўрсатмалар, эскича ёндашувлар бўйича эмас, балки аҳолининг аниқ эҳтиёжлари асосида, халқ билан бамаслаҳат ва унинг фаровонлиги йўлида амалга ошадиган бўлди.

Бу йўлдаги янги босқич ўзбекистонликларнинг эҳтиёжлари, фаровон ҳаёт сари интилишлари ва барча қатламлар манфаатини ҳисобга олиб ўтказилаётган конституциявий ислоҳот бўлди. Бу ислоҳот давр талабидан келиб чиққан ҳолда ва энг муҳими, аҳоли билан бамаслаҳат рўёбга чиқарилмоқда. Ана шу омиллар унинг чинакам халқ Конституцияси бўлишига хизмат қилади. Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси доирасида 222 715 та таклиф келиб тушгани ва улар асосида лойиҳа янада такомиллаштирилгани ҳам шуни кўрсатиб турибди. Айтиш лозимки, ҳужжатда ҳар тўртта таклифдан биттаси ўз аксини топди. Бу жараёнларнинг халқчиллиги эса, нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам ижобий баҳоланаётир.

Испаниянинг Стратегик ва халқаро тадқиқотлар жамғармаси директори Мигель Альварес де Эулатенинг сўзларига қараганда, Ўзбекистон кенг кўламли ислоҳотлар ва олға интилиш тимсолига айланди. Испанияда Ўзбекистондаги ижобий ўзгаришларни юксак баҳолашади ва давлат раҳбарининг тинчликни, жадал тараққиётни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашади.

Экспертнинг таъкидлашича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат Асосий Қонунини янгилаш ҳақидаги ташаббуси яна шуниси билан муҳимки, у фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратади. Янгиланган Конституция Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси ҳамда мамлакат фуқароларининг фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлади.

"Бу Ўзбекистон фуқароларининг манфаатлари биринчи ўринда турилишидан дарак беради", дейди эксперт.

### Мамлакатнинг олий қадрияти

Яқинда лойиҳаси "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида чоп этилган Асосий Қонунга 27 та янги модда ва 159 та норма киритилади, шу билан амалдаги ҳужжат 65 фоизга янгиланади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббусга кўра, мамлакатимизнинг ижтимоий давлат деб эълон қилиниши жамиятда катта акс садо берди. Президент Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида изоҳлаганидек, бундай давлат — энг аввало, одамлар учун ўз салоҳиятини намоён этиш, уларга муносиб турмуш ва камбағалликни қисқартириш учун керакли шароитларни яратиш демакдир.

Шундай қилиб, илк маротаба давлатга аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари турмуш даражасини яхшилаш, ногиронлиги бор шахсларнинг ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари, давлат ва жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шароитларни яратиш бўйича чора-тадбирларни кўриш мажбурияти юкланмоқда. Давлат камбағалликни қисқартириш бўйича, бандликни таъминлаш ва ишсизликдан ҳимоя қилиш борасидаги вазифаларни ўз зиммасига олади. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар уч бараварга кўпайтирилади.

Хусусан, 2,2 миллион кам таъминланган оилага молиявий ёрдам кўрсатиш кафолатланади. Шунингдек, ўтган йили 50 мингта оилага янги хонадонлар олиш учун шароит яратилган бўлса, бу йил яна 50 мингта оила ана шундай имкониятга эга бўлади, яқин икки-уч йил ичида эса 200 минг оила уй-жой билан таъминланади.

Бу соҳадаги янгиланишлар кенг жамоатчилик томонидан ниҳоятда илиқ қарши олинди. Негаки, мамлакатдаги муаммолар ҳақида сўз кетар экан, биринчи галда, ижтимоий

> *— Замонавий дунё тезкорлик билан ўзгаряпти, у билан бирга замонавий Ўзбекистон ҳам. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, конституциявий ислоҳот Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳиятига, халқнинг хоҳиш-иродасига мосдир, — дейди Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа институти илмий ходими Виктор Ким. — Ўзининг демократик ислоҳотларини ўтказишдаги улкан қамрови ва тезкор жараёнлари билан Ўзбекистон нафақат дунё жамоатчилигини ўзига қаратмоқда, балки давлат қурилиши бўйича ноёб тажрибаси билан тарихга кириши мумкин.*

йўналишдаги масалаларнинг ечими кўзда тутилади. Соҳадаги вазият босқичма-босқич яхшиланмоқда.

Мисол учун, 2017 йилда 500 мингта кам таъминланган оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирда қамров тўрт бараварга ортиб, рақам 2 миллиондан зиёдни ташкил этди. Шу мақсадга ажратилган маблағ 7 бараварга ортди. Кам таъминланган оилалардаги болалар парвариши учун бериладиган нафақанинг ҳам қамрови кенгайди, уларга нафақа тайинлашда ҳисобга олинадиган ёш кўрсаткичи кўтарилди, шунингдек, тўловлар муддати узайтирилди ва нафақанинг миқдори 1,5 бараварга оширилди.

Аҳолининг бошқа муҳтож қатламлари бўйича ҳам қўллаб-қувватлаш кучайтирилди. Масалан, Президент ташаббуси асосида ташкил этилган "аёллар дафтари" тизими асосида 2020 йилдан бери 1,5 миллион нафар хотин-қиз давлатнинг амалий ёрдамидан фойдаланган. Уларга моддий, тураржой, тиббий, ҳуқуқий ва бошқа муаммоларини ҳал этишда кўмак кўрсатилган. Ўтган йили 14 минг нафар хотин-қизнинг уй-жой шароитлари яхшиланди, қарийб 7 минг нафар аёлга ижара тўловлари тўлаб берилди.

Конституцияга киритилаётган ўзгартишларда "Инсон — олий қадрият" тамойили, айниқса, ёрқин намоён бўлди. Дарҳақиқат, муҳим тузатишларни киритиш ва қабул қилишнинг ўзи унинг амалга оширилиши йўлидаги дастлабки қадамдир. Бу ҳам энг нуфузли халқаро ташкилотлар даражасида эътироф этилмасдан қолмади.

БМТ Бош Ассамблеяси раиси Абдулла Шаҳид мамлакатимиздаги конституциявий ислоҳотларнинг мазмуни ҳақида гапирар экан, Ўзбекистоннинг Асосий Қонунига киритилаётган ўзгартишлар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига муштарак бўлган бир қатор муҳим вазифаларни мустаҳкамлаётганига юқори баҳо берди.

— Мен сизнинг буюк мамлакатингиз, халқингиз ва раҳбариятингизни катта ютуқлар ҳамда республикада амалга оширилаётган улкан ишлар учун эътироф этаман, — деди у.

### Келажакка дахлдор жараён

Янгиланаётган Конституцияга ҳаммаси бўлиб 27 та янги модда қўшилиши кўзда тутилган. Уларнинг сони 128 тадан 155 тага кўпаяди. Нормалар эса 275 тадан 434 тага ошади. Конституциявий қонун лойиҳаси бўйича 30 апрель куни референдум ўтказиш назарда тутиляпти. Ушбу тадбир фуқароларга ҳар бир овоз, ҳар бир нуқтаи назар катта аҳамият касб этувчи ўта муҳим жараёнда фаол қатнашиш имконини беради.

Асосий Қонундаги янгиликлар ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб беради ҳамда фаровон келажак, барқарор тараққиёт учун замин яратади. Шундай нормалардан бирида айтилишича, "Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, болалар ва ёшларнинг маънавий ва ахлоқий тарбияси учун зарур шарт-шароитларни яратади".

Мамлакат ривожида одоб-ахлоқ ва маънавиятнинг роли жуда катта. Президент таъбири билан айтганда, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси, бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси, аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.

Кейинги йилларда ислоҳотлар курсини рўёбга чиқариш асносида фуқароларимизнинг дунёқараши ва маънавияти бутунлай ўзгармоқда. Уларда ҳар биримизга нисбатан амалий ғамхўрлик кўрсатаётган Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси мустаҳкамланмоқда. Сиёсат, иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётда амалга оширилаётган янгиланишлар миллионлаб ватандошларимиз қалбида акс садо беряпти. Бу, энг аввало, айни даврдаги ислоҳотларнинг таг-замирида инсонпарварлик, адолат, меҳр-муҳаббат ва эзгулик тамойиллари, одамларнинг ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-шароитларни яратиш, тараққиётни таъминлаш каби интилишлар мужассамлиги билан боғлиқ.

Бир жиҳатга эътибор берсак: ўзбекистонликларни бугунги кунда мамлакатимизнинг ўтмиши ва анъаналари, тарихимизнинг илгари сир тутилган, эндиликда ошкор қилинаётган саҳифалари тобора кўпроқ қизиқтирмоқда. Замондошларимизни, айниқса, ёшларни Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан жамоатчиликка кенг очиқланган фидойи аждодларимиз — жадидларнинг фаолияти тўлқинлантириб юборди. Хусусан, 2020 йилнинг 30 сентябрида давлат раҳбари Фармони билан Ватанимиз тарихининг ғоят мураккаб даврида — XX аср бошларида ўзининг маърифатпарварлик фаолияти ва фидокорона хизматлари билан миллий таълим-тарбия тизимини яратиш ҳамда юртимиз истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлодларнинг обод ва фаровон ҳаётини таъминлашга қўшган беқиёс ҳиссасини инобатга олиб, жадидчилик ҳаракатининг асосчилари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Мамлакатимиз раҳбари Ватан мустақиллигига эришиш учун авлодлар маънавий-ахлоқий тарбиясининг муҳимлиги ҳақида сўзлар экан, кўпинча буюк аждодларимизнинг ватанпарварлиги ва юксак маънавиятини мисол қилиб келтиради. Ниҳоятда мураккаб шароитларда жадидлар билим ва маърифатни кенг ёйиш, таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали миллий тараққиётга эришиш ғоясини илгари суришган.

"Тараққиёт калити — таълим ва тарбияда, билимларда. Негаки, барча хайрли мақсадларга билим ва тарбия орқали эришилади". Жадидларнинг бу сўзлари янги Ўзбекистондаги энг муҳим инвестиция — таълимни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган сиёсатнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Бунда хотин-қизлар таълими масаласига катта аҳамият берилиб, бу бўйича махсус дастур қабул қилинган. Яқинда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Президентимиз қизларга сифатли таълим бериш масаласига тўхталар экан, буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг "Оналар — бутун башариятнинг тарбиячиларидир" деган сўзларини келтириб ўтди.

Масаланинг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, кейинги йилларда хотин-қизларни олий таълим билан кенг қамраб олиш бўйича изчил ишлар олиб борилди. Бундан олти йил аввал олий таълим даргоҳларида 110 минг нафар қиз ўқиган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 500 мингга етди. Янги тартибга кўра, магистратурага ўқишга кирган 10 минг нафар қизга давлат томонидан 68 миллиард сўмдан зиёд миқдорда таълим шартномаси тўлови тўлаб берилди. 65 мингдан зиёд талаба қизларга 727 миллиард сўм миқдорида фоизсиз таълим кредитлари ажратилди. Муҳтож оилаларнинг аъзолари бўлмиш 2 минг нафарга яқин қизлар, шунингдек, ихтисослиги бўйича беш йиллик иш стажига эга бўлган 500 нафардан зиёд аёллар олий таълим муассасаларига алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

Шубҳасиз, бундай кенг кўламли ишларнинг натижаси кўп ўтмай намоён бўлади. Бу натижалар ўзбекистонликларнинг янги авлодини шакллантиришга хизмат қилади ва учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлайди.

— Амин бўляпманки, Ўзбекистон Конституциясини такомиллаштириш ўз вақтида амалга оширилаётган долзарб ишдир, — дейди Ханьян университетининг Осиё — Тинч океани тадқиқот маркази директори Ум Гу Хо (Корея Республикаси). — Конституция ислоҳоти, бу — ҳар қандай давлат учун энг муҳим сиёсий жараён. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда барча соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни диққат билан кузатиб бораман. Ишонч билан айта оламанки, сизнинг давлатингизда ўтказилаётган конституциявий ислоҳот янги Ўзбекистонни қуришда энг муҳим қадамлардан бири бўлади.

### Муқобили йўқ ноёб тажриба

Конституциявий ислоҳот натижасида рўй берадиган муҳим янгиликлардан бири — ОАВ фаолиятида эркинликнинг, ахборотни излаш, олиш, фойдаланиш ва тарқатиш ҳуқуқининг кафолатланишидир. Бунинг аҳамияти ҳақида батафсилроқ тўхталсак.

Бу янгилик аввалги тартиблардан воз кечиш, очиқлик ва шаффофлик сари юзланиш курсини тасдиқлайди. Зеро, ислоҳотлар жараёнининг шаффофлигини таъминлаётган оммавий ахборот воситалари халқ билан мулоқотнинг мустаҳкам кўпригига айланиб боряпти. Бугун Президентнинг ўзи ОАВни қўллаб-қувватламоқда, бу ҳақда Қашқадарё вилоятига навбатдаги сафар чоғида яна бир бор айтиб ўтилди. Давлат раҳбари сўз эркинлигининг аҳамиятини таъкидлар экан, медиамаконда ҳаққоний танқиднинг муҳимлигини эслатди.

Мамлакатимизда жамиятдаги фикрлар хилмахиллигини таъминлаш учун зарур шароитлар яратилмоқда, шу жумладан — ахборот хизматлари бозорини ва ОАВ ўртасида соғлом рақобатни ривожлантириш орқали. Сўнгги йилларда уларнинг сони сезиларли даражада ортди. Оммавий ахборот воситалари жойлардаги муаммоларни тезкор ва холисона ёритишда ўрнак кўрсатмоқда, бунда журналист текшируви, давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик вакиллари билан интервьюлар уюштиришмоқда. Улар, шунингдек, интернет-маконни ўзлаштириб, веб-ресурслар, мобиль иловаларни йўлга қўйишаётир.

Шу билан бир қаторда, кейинги пайтда масс-медианинг тезкор ривожи, уларнинг сони кўпайиши натижасида кадрлар масаласи ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Демак, журналистикага тасодифий кишилар эмас, қолаверса, нафақат чуқур билим, балки фаол фуқаровий позицияга ҳам эга бўлган ҳақиқий профессионал мутахассислар кириб келишини таъминлаш лозим. Бугун мамлакатимизга янги Ўзбекистоннинг муносиб қурувчилари керак.

Сўнгги йиллардаги ислоҳотлар даври учун хос бўлган жиҳат ахборот манбаининг кўпайганлигидир. Бу эса халқ билан мулоқот ривожига, жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш учун саъй-ҳаракатларни кучайтиришга хизмат қилади. Конституцияга киритилаётган ОАВга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар эса, очиқликни мустаҳкамлашда яна бир қадам бўлади. Лекин шу билан бир қаторда, журналистлардан аудиторияга етказиб бераётган ахбороти учун масъулият ҳиссини кучайтириш талаб этилади.

Негаки, кўп йиллик тажрибамиз кўрсатишича, сўз қудратли кучга эга. Лекин у яратувчанликка хизмат қиладими ё бузғунчиликка — буни журналистнинг ўзи ҳал этади. Шу боис ҳам ёш авлод онгига ахлоқий-маънавий ва маърифатпарварлик ғояларини, инсонпарварлик, мақсадга интилувчанлик, адолат каби умуминсоний қадриятларни сингдириш жуда муҳимдир.

Яқинда "Аргументы и факты. Казахстан" ҳафтаномасида чоп этилган "Ривожланиш ва тараққиёт учун" сарлавҳали мақолада айтилганидек, глобаллашув, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва жадал ўзгараётган ҳаёт Ўзбекистонни модернизация қилиш борасида янги вазифаларни қўймоқда. Нашрда таъкидланишича, давр талабига кўра Ўзбекистон Конституциясидаги ўзгартишларнинг муҳим қисми демократик ва фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришни кўзда тутади.

— Замонавий дунё тезкорлик билан ўзгаряпти, у билан бирга замонавий Ўзбекистон ҳам. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, конституциявий ислоҳот Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳиятига, халқнинг хоҳиш-иродасига мосдир, — дейди Тожикистон Миллий фанлар академияси Осиё ва Европа институти илмий ходими Виктор Ким. — Ўзининг демократик ислоҳотларини ўтказишдаги улкан қамрови ва тезкор жараёнлари билан Ўзбекистон нафақат дунё жамоатчилигини ўзига қаратмоқда, балки давлат қурилиши бўйича ноёб тажрибаси билан тарихга кириши мумкин.

Очиқлик ва ошкоралик янгиланиш жараёнларида халқ ҳокимияти тамойилини рўёбга чиқариш учун муҳим воситага айланмоқда. Барча лойиҳа ва дастурлар халқ билан келишилган ҳолда инсон манфаатлари учун амалга оширилади. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида конституциявий ислоҳотни келтириш мумкин. Уни амалга оширишда "давлат — жамият — инсон" парадигмаси "инсон — жамият — давлат" кўринишига алмашгани кўзга яққол ташланади. Бу билан инсон манфаатлари барча нарсадан устун қўйилади. Буни ёрқин намоён этувчи далил шуки, киритилаётган ўзгартишларга кўра, фуқаронинг давлат органлари билан муносабатида юзага келаётган тушунмовчиликлар фуқаро фойдасига ҳал қилинади. Янги Ўзбекистонга, амалга оширилаётган ислоҳотларга айнан шундай ёндашув хосдир.

**Ўткир РАҲМАТ.**

